

## Замонавий, гўзал ва бетакрор

Пойтахтимиздаги “Бунёдкор” спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросимдан репортаж



Таъкидлаш жоизки, ёш авлоднинг футбол билан шуғулланиши учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиб бериш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги “2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этаётди. Унда юртимизда футболни оммавийлаштириш, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, мураббийлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малака даражасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

“Бунёдкор” стадионида яратилган шарт-шароитлар хатто Европадаги айрим донгдор клублар учун ҳам ҳавас қилишга аризуликдир. Футболни ривожлантириш, ўзбек футболининг ёрқин келажагини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида “Бунёдкор” футбол мажмуасида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилган. Ушбу мактаб келажада халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириши учун барча шарт-шароит яратилган.

...Ён-атрофга қараймиш. Қувончдан, хайратдан кўзлари ёниб турган ёшлар зўр ҳаяжон оғушида стадионни томоша қилишмоқда. Чиндан ҳам оқшом чоғи ташқи томондан қараганда ҳам, ичкарига кирганда ҳам камалакдек товланётган, кўзни қамаштирувчи жозибалик ва “Бунёдкор” стадиони халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини юксак даражада бутун бориқча намойён этиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига

Қадри устоз ва мураббийлар! Мухтарам юрдошлар! Бугун, мана шу қутлуг айёмда барчамиз учун энг азиз, энг қадри бўлган фарзандларимизга билим ва тарбия беришдек улғу ишга бутун борлигини бағишлаган сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни чин қалбимдан табриклар, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар! Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб — шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмуни ва олижаноблигини, аҳамияти ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди.

Бугун биз ўқитувчи ва мураббийлар кунини деб ном олган гўзал байрамимизни нишонлар эканмиз, ўзининг истеъдоди ва маҳоратини, кўз нури ва қалб кўрини бахш этиб, ёш авлодимизга билим, илмуфан сирлари ва одамийлик сабақларини ўргатадиган сиздек мўтабар зотларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу боис бугун сизларнинг қўлингизда таълим ва тарбия, ҳаётга йўлланма олган, ўзини сизларнинг олдингизда умрбод қарздор деб ҳис этадиган барча инсонлар номидан, ўқув масканларида таълим олаётган миллионлаб ўқувчилар номидан “Раҳмат сизга, муаллим, таълим сизга, устозлар!” деб миннатдорлик билдиришимиз ҳар томонлама ўринлидир.

Ўзбекистонимизнинг тараққиёти йўлида, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтарилишдек улғувор вазифани амалга оширишда сиз азиятларингиз қўшаётган бекиёс ҳиссангизни баҳолаш учун яна бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Ана шундай ўта оғир ва ўта долзарб, истиқболимизни ҳал қиладиган мақсадга эришиш учун таълим соҳасида чуқур ва пухта ўйланган миллий дастурларимизни тайёрлаш ва амалга оширишда бизнинг охириги 15 йил давомида қилган ишларимизни бутун дунё тан олмоқда.

Бунинг аққол тасдиғини шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт элтириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини мавзуда бўлиб ўтган халқаро конференция мисолида қилиш мумкин. Ана шу анжуманда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги энг донги чиққан университетларнинг олим ва профессорлари томонидан Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуқлари, мамлакатимизнинг таълим модели юксак эътироф этилгани Ватанимизнинг жаҳондаги оғуш оғуш эътиборини янги босқичга кўтаришга қатъий ҳизмат қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ёшларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб бораётган, илғор хорижий тажрибаларни, миллий ва умуминсоний қадриятларини ўзда мустаҳкам этган бундай дастурларини амалга ошириш, аввало, сиз азизларнинг оғир ва мураккаб меҳнатингиз эвазига бўлаётганини ҳеч қачон инкор этолмайди. Ва сизларнинг бу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги олижаноб хизматларингизни, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш борасида кўрсатаётган фидойилигингизни жамиятимиз, халқимиз доимо юксак қадрлайди.

Шу маънода, 1 октябрь санасини бундан 16 йил олдин мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар кунини —

умумхалқ байрами деб эълон қилганимиз сиз, азизларга, сизларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизга эл-юртимиз, шахсан ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимнинг аққол ифодаси, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ўзбекистоннинг таълим соҳасига қаратаётган улкан эътиборини тасаввур қилиш учун қуйидаги баъзи бир рақамларни келтириш ўринли, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетининг маъно-мазмуни ва олижаноблигини, аҳамияти ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди. Бундан ташқари, педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу ўринда яна бир мисолга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилган йиллик ҳаражатлар ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳолонки, дунёдаги кўплаб мамлакатларда бу кўрсаткич 2-5 фоиздан ошмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусиқа ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1406 та касб-хунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилгани, уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамлашиб бораётгани таълим тизимида биз амалга ошираётган ислохотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далolat беради.

Қадри ватандошлар! Бугун дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган нотинчлик, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизни ўйлантириши табиий.

Мен сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни бу муаммоларнинг барчасини қалбидан, юрагидан ўтказиб, улардан тўғри хулоса чиқариб яшайдиган инсонлар сифатида биламан.

Айрим қабих кучлар томонидан ўзининг стратегик мақсадларини кўзлаб, ёвуз ният билан амалга оширилаётган бундай гаразли ишлардан халқимизни, айниқса, ёшларимизни оғоҳ этиш, миллат ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринишларнинг ҳақиқий маъносини, уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб беришда, одамларни ҳушёр ва сезгир бўлиб яшашга, мусаффо осмонимизни, тинч ҳаётимизни кўз қорачиқидек асраш ва қадрлашга давлат этишда мен биринчи навбатда сизларга ишонман ва бундан буён ҳам барчангизни ўзимнинг маслакдошим, деб биламан.

Мен давлат раҳбари сифатида сиз жонқуяр муаллим, мураббий ва домларнинг, барча маърифат аҳлининг ўз танлаган касбингиздан рози ва мамнун бўлиб яшашингиз учун, Ватан олдида, келажақ олдида қилаётган улғу хизматларингизни муносиб тақдирлаш, ҳаётимизда юксак обрў-эътибор топишингиз учун ҳам қонуний, ҳам моддий, ҳам амалий замин туғдириб беришни ўзимнинг нафақат вазифам, балки шарафли бурчим, деб ҳисоблайман.

Азиз ва муҳтарам устозлар! Сизларни ўқитувчи ва мураббийлар кунини — умумхалқ байрами билан яна бир бор самимий табриклар, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадри устозлар!

Ислам КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида бекиёс ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Болалар спортини, айниқса, “миллионлар ўйини” дея таърифланувчи футбол ривожига юксак эътибор қаратилаётгани тўғрисида футбол Ўзбекистондаги энг оммавий спорт турларидан бирига айланган. Зеро, эътибор ва ғамхўрлик бор жойда ўсиш, ўзгариш рўй беради. Юртимизнинг энг олис кўчаларида ҳам кўк бағишлаб турган бетакрор спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ушбу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Сўнгги йилларда энг ном олган янги, замонавий, гўзал ва бетакрор спорт мажмуасини ишга киритиш маросимига тўғрисида, — деди Ислам Каримов. — Бу унутилмас воқеанинг аҳамияти ва моҳиятига равишан маъно ва мазмун берадиган яна бир сана — айтиш шунки кунларда кўпгина маълумотларга кўра ўзбек футболининг майдонга чиққанига роп-роса 100 йил тўлиши, ҳеч шубҳасиз, барчамизга алоҳида руҳ ва хурсандчилик бағишлайди, бугунги маросимини ҳақиқий тантана даражасига кўтарди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу маросимда қатнашаётган сиз азизларга қаратиб қалбимдаги сўзларни айтмоқчиман. Аввало, мана шу файзли ва шуқуҳли оқшомда

тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши баробарида, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини ҳам аққол намойиш этиб турибди.

2012 йил, 28 сентябрь. Тошкентда “Бунёдкор” спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов нутқ сўзлади.

“Бунёдкор” спорт мажмуасида катта воқеа — “Бунёдкор” деб ном олган янги, замонавий, гўзал ва бетакрор спорт мажмуасини ишга киритиш маросимига тўғрисида, — деди Ислам Каримов. — Бу унутилмас воқеанинг аҳамияти ва моҳиятига равишан маъно ва мазмун берадиган яна бир сана — айтиш шунки кунларда кўпгина маълумотларга кўра ўзбек футболининг майдонга чиққанига роп-роса 100 йил тўлиши, ҳеч шубҳасиз, барчамизга алоҳида руҳ ва хурсандчилик бағишлайди, бугунги маросимини ҳақиқий тантана даражасига кўтарди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу маросимда қатнашаётган сиз азизларга қаратиб қалбимдаги сўзларни айтмоқчиман.

сизлар билан — қадри ҳаётимиздаги спорт ва футбол ишқибозлари билан бирга бугунги тантанادا қатнашиш мен учун катта бахтир.

Бундай улғувор ва ҳашаматли, ўзида 7 та замонавий футбол майдонини, болалар ва ўсмирлар футбол мактаби, ётоқхоналар, бассейн ва бошқа бир қатор керакли объектларни мужассам этган, жами 56 гектар ерни эгаллаган бу мажмуа пойтахтимиз — азим Тошкентимизда қисқа даврда қад ростлагани, ҳақиқатан ҳам, барчамизга мўъжизадай туюлади.

Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк ишшоотлар кўпайишини, юртимиз кўрқига кўрк кўшишини, улар халқимизга хизмат қилишини, спортчиларимизга янада юксак талабларга эришиш, бундан спорт муҳлислари қалбида фахрийтихор туйғуларини жўш уришини тилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада мусобақаларини акс эттирувчи бадиий ва спорт жамоалари чиқадилар. Улар ижросида Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, уни-ўсиб келаётган ёшларимиз ўртасида спортни, шу жумладан, футболни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни ифода этувчи бадиий композициялар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари бутун халқимизнинг дилдаги орзу-истакларини ифода этар экан, мамлакатимизда бундай буюк ишшоотлар кўпайишини, юртимиз кўрқига кўрк кўшишини, улар халқимизга хизмат қилишини, спортчиларимизга янада юксак талабларга эришиш, бундан спорт муҳлислари қалбида фахрийтихор туйғуларини жўш уришини тилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

...Майдонга “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада мусобақаларини акс эттирувчи бадиий ва спорт жамоалари чиқадилар. Улар ижросида Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, уни-ўсиб келаётган ёшларимиз ўртасида спортни, шу жумладан, футболни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни ифода этувчи бадиий композициялар намойиш этилди.

## Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Туркменистон Президентини Гурбангули Берdimухамедовнинг тақлифига биноан, 2012 йил 1-2 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ашхобод шаҳрида бўлади.

Олий даражадаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Туркменистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳамда минтақавий ва

халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Кўшма баёноти қабул қилинади, шунингдек, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланади.

Шу йил 1-2 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов расмий ташриф билан Туркменистонда бўлади. Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги аънанавий дўстона муносабатлар янги раҳна қилиниши кутилмоқда.

Конструктивлик, истиқболни белгилаш, ҳар икки томоннинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ-равшан нати-


жаларга эришишни кўзлаш икки қўшни давлат мулоқотларидаги асосий хусусият бўлиб қолди. Ўзбекистон ва Туркменистон давлат раҳбарларининг сўнгги учрашуви 2011 йил май ойида Тошкентда кенга эди. Мазкур саммит чоғида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган илтипати тасдиқлангани ҳолда, эришилган кели-

шувларни ҳаётга самарали татбиқ қилиш мақсадида давлатлараро ҳамкорлик механизмларини изчи ривожлантириб бориш таъминини содиқликни қайд этдилар. Минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, халқаро тузилма-

лар ҳамда Афғонистонга қўшни давлатлар иштирокида афғон инқирозини барқарор қилиш юзасидан музокаралар жараёнини фаоллаштиришга йўналтирилган янада самарали механизмларни яратиш,

(Давоми 2-бетда).

# Замонавий, гўзал ва бетакрор



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Бундай чиройли стадионни илк мартаба кўриб туришим, — дейди тантанга ташири буюрган меҳмонлардан Азамат Жайнаров деб таништирган йигит. — Ушбу футбол мажмуини телевизор орқали томоша қилиб, роса ҳавасим келганди. Мана, бугун ўз кўзим билан кўрдим. Бундан бошим осмонга етди. Таърифлашга тил ожиз. Худди мўъжизалар оламига тушиб қолгандек ҳис этаётган эдим. Президентимизга мингдан-миг раҳмат. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан етиб бўлмас орзуларимиз рўёбини кўраётимиз. Бундай эзгу ишлар учун нафақат спортчиларимиз, балки ҳар биримиз юксак масъулиятни ҳис этиб, Ватанимиз тараққиёти йўлида камарбаста бўлмоғимиз шарт.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори футболни ривожлантириш, юксак маҳорат ва профессионал кўникмаларга эга ёш футболчиларни тарбиялаш-

ронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд. Стадионда спортчилар ва мухлислар учун яратилган шароит ҳамда қулайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурилари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қавати учта ресторан, фитнес маркази барпо этилган.

“Бунёдкор” стадионининг муҳандислик таъминотида алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11х7,5 метр ўлчамдаги иккита видеоабсолют мухлисларга футбол учрашувини ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Ташири буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини яратадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун футбол майдони четига видеоортосладалар ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси халқаро стандартлар даражасида.

...Тантана давомида мамлакатимизнинг икки номдор жамоаси — “Бунёдкор” ҳамда “Пахтакор” футболчилари майдонга чиқди. ФИФА рефериси, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками Раваҳан Эрматов бошқариб борган беллашувда дуранг натижа — 3:3 ҳисоби қайд этилди. Минглаб мухлисларнинг кўллаб-қувватлаб туришлари, ҳар бир киришилган голнинг олқишланиши кечага алоҳида кўтаринкилик бахш этди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва гамхўрлиги ўзининг бекиёс самараларини бермоқда. ФИФА рефериси Раваҳан Эрматовнинг ҳақон футболдаги юксак мавқеи, ногирон-ампутант футболчиларимиз икки мартаба ҳақон чемпионлигига сазовор бўлгани, ёш футболчиларимизнинг Мексикада ўтган ҳақон чемпионатидаги муваффақиятли иштироки, “Бунёдкор”, “Пахтакор”, “Нефтичи”, “Насаф” каби клубларимизнинг Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги беллашувларидаги қизқаркли ўйинлари бунинг далилидир.

ФИФА президенти Йозеф Блаттер мамлакатимизга ташири буюрганида, “Сизларнинг болаларингиз мутлақо бошқача. Уларнинг кўзлари ёниб туради”, деган эди. Нуфузли ташкилот раҳбарининг, умуман, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон фарзандлари ҳақида билдираётган бундай баҳо-си, албатта, ҳар биримизга фахр бағишлайди.

“Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди!” Президентимиз томонидан юксак ишонч ва эзгу орзу-умид билан айтилган бу қанотбахш сўзларнинг нақадар ҳаётийлигини вақтингиз ўзи тасдиқламоқда. Ишончимиз қимматли, бундай қулай шароитлар, яратиб берилётган бекиёс имкониятлар барча спортчиларимиз қатори футболчиларимизни ҳам ҳеч қимдан кам эмаслигини дунё узра намойиш этишга, ҳақон ареналарида она-Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга ундайди.

...Тантанада санъатимиз усталари ва ёш истеъдод соҳиблари ижросида янграган кўшиқларда Ватан, Истиқлол тараннуми этилди. Халқимиз бунёдкорлиги шарафланди. Кўшиқлар оҳангига ён-атрофда минглаб нурафшон чироклар ёғдуси жўшқинликни акс эттирди. Шарлар ҳавога кўтарилиб, мусаффо осмонимиз узра ранг-баранг мушаклар отилади. Бир-биридан чиройли манзаралар, кўринишлар намойиш бўлади. Бу гўзаллик, баравж хонишлар, юртдошларимизнинг завқ-шавқи дилда энг азиз туйғу — Ватанга муҳаббат ҳиссини жўш урдиради.



## Раҳмат сизга, муаллим, таъзим сизга, устозлар!

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли ҳамда шарафли меҳнатини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, самарали фаолият олиб боришлари учун яратилган шароит ва имкониятлар ўзининг юксак самарасини бермоқда.

### 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бу йил ҳам ушбу сана муносабати билан жойларда кўллаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ўқитувчилар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниётларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Шунингдек, пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, қад ростлаган замонавий иншоотлар билан танишдилар.

28 сентябрь куни пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга таълим соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар, илғор педагоглар, ушбу шарафли ва масъулиятли касбни танлаган ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим тизими ходимлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2012

йил 27 сентябрдаги Фармони билан, Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлод байрами сифатида кенг нишонланади. Бу йил ҳам ушбу сана муносабати билан жойларда кўллаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ўқитувчилар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниётларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Шунингдек, пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, қад ростлаган замонавий иншоотлар билан танишдилар.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлари ишшоотлар билан танишдилар.

28 сентябрь куни пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга таълим соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар, илғор педагоглар, ушбу шарафли ва масъулиятли касбни танлаган ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим тизими ходимлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2012

республика кўрик-танловлари галибларига эсдалик совгалари топширилди.

Тантанада сўзга чиққан Наманган шаҳридаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Муқаддам Иззатуллаева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳақимов таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимини тубдан ислоҳ этиш йўналишида олиб бориляётган кенг кўламли ислохотларнинг пировард мақсади келажагимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аجدодларимизга муносиб фарзанд қилиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидладилар. Навқирон авлод камолоти, ўқитувчиликдек эзгу касб соҳибларини кўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган гамхўрлик ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тантанали йиғилишда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري Ш. Мирзиёев иштирок этди.

М. ҲОҚОВ, Х. ПАЙДОВЕВ олган сурат.



Сарвар ҲОҚОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган транснационал жиноятчилик сингари хавф-хатарларга қарши биргаликда кураш олиб бориш масалаларида Тошкент ва Аш-

тон ҳудуди орқали Туркменистонга ва аксинча, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга мунтазам юк ташишлар амалга оширилмоқда. Ҳар икки мамлакат транзит давлатлар ҳисобланади, бу Ўзбекистон ва Туркменистонда юксак транзит сало-

тартибга соладиган 150 дан зиёд ҳужжат имзоланди.

2011 йили имзоланган Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисидаги Ҳукуматлараро битим икки мамлакатнинг иқтисодий йўналишидаги муваффақиятли ҳамкорлигининг ёрқин

Икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларда маданий-гуманитар ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда туркман, Туркменистонда эса ўзбек миллатига мансуб кўп сонли аҳолининг мавжудлиги мамлакатларимиз ўртасидаги ҳақиқий

ри доирасида биргаликда театр фестиваллари ва танловлар ўтказилмоқда, мусиқа ҳамда рақс гуруҳларининг ижодий сафарлари уюштириляпти. Мазкур тадбирлар мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги кўна маънавий-тарихий алоқаларни, кўп

рида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ҳамкорлик тараққиётининг ўсувчан эканлиги икки мамлакат раҳбарларининг, энг аввало, минтақавий ҳамда умум-аглобулар микёсда узоқ муддатли ҳамкорликни қуршига бўлган қатъий интилишларидан далолат беради.

Асрлар давомида яқин дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари намунасини намойиш этиб келаётган икки қардош халқ кўп асрлик ва шонли тарихнинг воқислари, бой ҳамда ўзига хос маданиятнинг эгалари ҳисобланади, уларнинг илдишлари муштаракдир. Шуниси қувонарлики, бундай анъаналар икки давлат тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам бардавом бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркменистонга буюражак расмий ташири биргаликда иш олиб боришнинг кўп йиллик ижобий таърихасини яна бир карра намойиш қилиб, икки мамлакат ҳамкорлигининг улкан салоҳиятини ҳаётга татбиқ этишнинг маҳсулидан баҳрамандликка бўлган муштарак интилишга таянадиган Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги самарали ҳамкорликни ҳар томонлама муштараклаш ва кенгайтиришга кўмаклашади.

Насиба СОБИРОВА, «Ҳақон» АА.

# Ўзбекистон — Туркменистон: Тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада кенгайди

хободнинг нуқтаи назари ўхшашдир.

Ўзбекистон ҳамда Туркменистон Ўрта Осиёда сув-энергетика масалалари минтақадаги барча давлатлар манфаати ва розилиги ҳисобга олинган ҳолда, умумэтироф этилган меъёр ва халқаро ҳуқуқ тамойиллари асосида кўриб чиқилиши бўйича муштарак қарашга эгадирлар.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг кўламли кенг. Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ саноати ривожланмоқда, ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасида хоризлик сармоядорлар билан ҳамкорлик муштаракланаяпти.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзбеки-

ҳияти мавжудлигидан далолат беради. Шу ўринда “Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон” янги халқаро транспорт-коммуникация йўлини бунёд этиш бўйича Ашхободда имзоланган Битимнинг тарихий аҳамиятини қайд этиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил октябрь ойида Туркменистонга расмий ташири чоғида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу транспорт-коммуникация йўлини қуриш тўғрисида келишувга эришилган эди.

Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган самарали ҳамда конструктив ҳамкорлик йиллари давомида икки давлатнинг барча соҳаларидаги муносабатларини

мисоли бўлгани баробарида, ўзаро савдо-иқтисодий фаолиятни кенгайтиришга ҳам кучли туртки берди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотларига қайд этилишича, 2011 йили ўзаро савдо-сотик ҳажми 70 фоизга ўсиб, 450 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил қилди. Тошкент ва Ашхобод ўз иқтисодиётларини диверсификациялаш ҳамда ташқи иқтисодий шериклар рўйхатини кенгайтириш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. 2009 йили Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой магистраль газ қувурини ишга туширилгани бунинг яққол мисолидир.

дўстликнинг “олтин кўприги” ҳисобланадики, бу чегарадошлик ва гуманитар ҳамкорлик тараққиётида жуда катта аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 170 минг нафар туркман миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. 46 та мактабда уларнинг она тилидан сабоқ берилмоқда, 24 та мактабда эса таълим тўласинча туркман тилида олиб бориляпти. Мамлакатимизда республика Туркман маданий маркази томонидан мувофиқлаштирилган етти та туркман миллий маданий маркази фаолият юритмоқда.

Маданий соҳада кенг кўламли ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дасту-

асрлик дўстлик ҳамда қардошликни асраш ва муштараклашга йўналтирилган маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Илмий соҳадаги муносабатлар изчиллиги ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Туркменистон миллий кутубхонаси ўртасида ўтган йили имзоланган Англашув меморандуми халқаро китоб алмашувлари борасидаги алоқаларни янада кучайтиришга, замонавий кутубхоначилик технологияларини ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш, ўзаро таъриба ва илмий ишланмаларни алмаштиришга йўналтирилган.

Мустақил ривожланиш йилла-

рида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ҳамкорлик тараққиётининг ўсувчан эканлиги икки мамлакат раҳбарларининг, энг аввало, минтақавий ҳамда умум-аглобулар микёсда узоқ муддатли ҳамкорликни қуршига бўлган қатъий интилишларидан далолат беради.

Асрлар давомида яқин дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари намунасини намойиш этиб келаётган икки қардош халқ кўп асрлик ва шонли тарихнинг воқислари, бой ҳамда ўзига хос маданиятнинг эгалари ҳисобланади, уларнинг илдишлари муштаракдир. Шуниси қувонарлики, бундай анъаналар икки давлат тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам бардавом бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркменистонга буюражак расмий ташири биргаликда иш олиб боришнинг кўп йиллик ижобий таърихасини яна бир карра намойиш қилиб, икки мамлакат ҳамкорлигининг улкан салоҳиятини ҳаётга татбиқ этишнинг маҳсулидан баҳрамандликка бўлган муштарак интилишга таянадиган Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги самарали ҳамкорликни ҳар томонлама муштараклаш ва кенгайтиришга кўмаклашади.

Эътироф

Хорижий оммавий ахборот воситаларида 2012 йил 12 — 14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг чет эллик иштирокчилари фикр-мулоҳазалари эълон қилинмоқда.

Куйида Инвестициялар рентабеллигини тадқиқ қилиш агентлигининг (АИРИ) Олмаота филиали директори Нурлан Махмудовнинг «Мегаполис» газетасида (Қозоғистон) чоп этилган мақоласида баён этилган айрим фикрлари эълон қилинмоқда:

«Қозоғистонда Ўзбекистон ҳақида қандай гаройиб фикр-мулоҳазаларни эшитишга тўғри келмайди, дейсиз!? Кўшни халқ, бунинг устига, қондош ва қардош бўлган ўзбеклар ҳақида аслида ҳеч нарса билмаслигимизни ниҳоятда галати ҳолат, деб ҳисоблайман.

Қадимий халқ мақолида, юз марта эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал, деб бежиз айтилмаган. Утган ҳафта Қозоғистон делегацияси таркибида Тошкентда бўлиб ўтган, дунёнинг 50 мамлакатидан 300 нафардан зиёд меҳмонлар ташриф буюрган халқаро конференцияда иштирок этишга муяссар бўлдим. Асосий маъруза билан давлат раҳбари Ислоом Каримовнинг ўзи чиқиб келгани ҳам ҳуқуқат миқёсидаги ушбу тадбирнинг юқсак мақомидан далолат беради. Бир қарашда 1000 дан зиёд иштирокчи анжуманда ҳаммага яхши маълум бўлган мавзунинг: «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» масалаларини муҳокама қилиди.

Бугунги кунда, ҳатто, расмий ахборотлардан йироқ бўлган оддий фуқароларни ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавзусига

«Мегаполис»:

ОқилОНА СИЁСАТНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

бағишланган анжуманлар билан ҳайратга соломлайсиз. Мана бу далилларга эътибор беринг: сўнгги 6 йил давомида Ўзбекистон япчи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,2 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда (бошқа кўшнимиз — Хитой бу борада 10 фоизлик ўсишга эришаётгани туфайли балки буни «сезмаганимиз»). Фиримизни давом эттирайлик. 2000 йилдаги нисбатан Ўзбекистонда япчи ички маҳсулот 2,9 баробар, санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,6 баробар ортди, иқтисодиётга эса 3,4 баробардан зиёд инвестициялар жалб этилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми эса 20 баробардан кўпроқ ўсди! Уйлайманки, 2007 — 2009 йилларда дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқироз рўй бергани ёдингизда бўлса керак, бу синовдан Ўзбекистон иқтисодиёти мардона ўтди.

Натижада Осиё тараққийёт банки маълумотларига кўра, сўнгги 7 йил давомида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига даромад қарийб 3 баробар ортди! Хар йили тўлов баланси жорий ҳисоб рақамининг профици-

ти қайд қилинмоқда, умумий ташқи қарз миқдори паст бўлиб, япчи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи даражасида, давлатнинг ички қарздорлиги эса амалда нола даражада сақланмоқда.

— Хўш, кичик бизнеснинг бунга нима алоқаси бор? — деб сўраши мумкин баъзилар. Жавоб бераман: «20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча ҳўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес қороналари ташкил этади». Хар эҳтимолга қарши бу рақамлар Президент Ислоом Каримовнинг маърузасидан олинганини айтиб ўтмоқчиман. Тасаввур қилинг: «Хозирги кунда япчи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган санаот маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда».

Мени ҳайратга солган бошқа рақамлар ҳам кўп. Шулардан иккинчисини ажратиб кўрсатишга ижозат берсангиз: 2005 — 2011 йилларда мамлакатда 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган

бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Ушбу кичик ва хусусий тадбиркорлик қороналарига мамлакатда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

тадбиркорликни ривожлантириш учун барча қоралар кўрилганини, шу тариқа одамлар тадбиркорликка кенг жалб этилганини айтиш билан бу борадаги ишлар кўламини фодалаб бўлмайди. Ўзбекистонда бизнесни рўйхатга олишга оид

самарали меҳнат қилишга лаёқатли куч қасб-хунарларга пухта ўргатилган: Ўзбекистонда 15 йилдан буюн мажбурий 12 йиллик таълим тизими амал қилмоқда. Яъни 9-синфдан сўнг йигит-қизлар 3 йил давомида қасб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олади, у ерда 3-4 та хунар эгаллайди ва камида иккита чет тилини ўрганади. Шу ўринда маҳаллий ёшлар олижаноб халқ аънавалари руҳида тарбиялангани жуда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу ерда, миллий иқтисодиётда оддий дурадгорлар, тикувчилар, фермерлар, қурувчилар етишмаётган бир пайтда, мактаб битирувчилари ёппасига диплом орқасидан қувиб, институтларга ёпирилмайди...

Мамлакатда барпо этилган бир ярим мингта янги замонавий қасб-хунар коллежларига сўнгги 5 йил давомида 2,5 миллион йигит-қиз янги хунарларни ўзлаштирди — бундай «армия» хар қандай давлатнинг япчи ички маҳсулотини кескин оширишга қодир. Фақат бу кўчдан тўғри фойдаланиш йўлга қўйилса, бас. Ўзбекистон раҳбарияти бундай теъдодан унумли ва оқилОНА фойдаланишига шўбҳа қилмаса ҳам бўлади.

Газетхонлар эътиборини яна бир жиҳатга қаратишни истардим. Ўзбекистонда ҳам нефть ва газнинг катта захиралари мавжуд. Авваллари бу маҳсулотларнинг эҳтиёждан ортиги фақат Россияга сотилар эди, икки йил аввал бизнинг мамлакатимиз орқали Хитойга қувур ўтказилди. Шунга қарамай, мамлакат япчи ички маҳсулотининг асосий қисмини нефть соҳаси, оғир санаот ёки машинасозлик тармоқлари эмас, балки... турли ўзғаришларга мослашувчан, барқарор ва яшовчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари яратмоқда».

● Реклама ва эълонлар ●

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyu birjasi» ОАЖнинг 2012 йил 14 сентябрдаги 97-П-сонли буйруғига асосан, «O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyu birjasi» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77-уйда сақланаётган, «Митсубиси Галант» русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 305 ВАА бўлган автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 40 178 113 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 31 октябрь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 29 октябрь кунини соат 18.00. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 31 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 7 ва 14 ноябрь кўнлари соат 12.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 7 ноябрдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 5 ноябрь кунини соат 18.00, 14 ноябрдаги савдолар учун 12 ноябрь кунини соат 18.00. Савдо қолиби, деб топилган шахсга 10 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги кўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади! «Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2012 йил 17 октябрь кунини соат 14.00 да бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига кўйдаги кўчмас мулк тақдоран, арзонлаштирилган нархда кўйилмоқда: Кўкюн шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 26 августдаги 10-0907/16797-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «SHARQ FARMA» МЧЖ Ўзбекистон — Буюк Британия кўшма қоронасига қарашли, Кўкюн шаҳар, 32-МФЙ, Туркистон кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони — 5182,27 кв.м., фойдали майдони — 1117,91 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 780 881 929 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2012 йил 18 октябрь кунини соат 18.00 да тўхтатилади. Ушбу очик аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо ташкилотчиси — «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги кўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион қолиби беш банк иш кунинида сотиб олган мулк қийматини тўлалигича тўлаши керак. Савдога кўйилган кўчмас мулкка доир ҳужжатлар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиш ва кўшимча саволлар буйича кўйдаги манзилга мурожаат қилишнингиз мумкин. Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғинович к., 22-уй. Тел.: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59. Лицензия: RR-0017.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ очик танлов савдоларига таклиф этади! Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Фарғона вилояти худудий бошқармасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 44-ПР-сонли буйруғига асосан кўйдаги давлат активи кўйилмоқда: Кувасой шаҳар ҳокимлиги балансидаги, Кувасой шаҳри, «Арсиф» ҚФЙ, Янгиобод кўчасида жойлашган, собик «Сут-товар» фермасига қарашли лаборатория ва қоровулхона биноси ҳамда иншоотлари (фаолият тури сақланмаган ҳолда). Бошланғич баҳоси — 68 154 266 сўм. Танлов савдоси қолибига икки йил давомида энг ками 50 000 000 (эллик миллион) сўм миқдориде инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади. Давлат активини балансда сақловчи — Кувасой шаҳар ҳокимлиги. Балансда сақловчининг ихтисослиги — бошқарув. Танлов савдоси — 2012 йил 30 октябрь кунини соат 15.00 да бўлиб ўтади. Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар хар кунини (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 29 октябрь соат 18.00. Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «EFFECT REAL GROUP» МЧЖнинг ОАТ «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги кўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 0050, СТИР: 302128329 Танлов савдоси натижаларига кўра, қолиб чиққан иштирокчи 20 кун ичиде сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Фарғона вилояти худудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилади. Савдо қолиби томонидан тўланган закатат миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан кам бўлса, савдо қолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар, сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закатат шартномасига асосан, савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган маблагнинг тўлашини таъминлайди. Танлов савдоси манзили: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй. Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ барча масалалар буйича кўйдаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй. Тел.: (+99895) 404-54-84. Лицензия: RR 0094.

Хурматли юртдошлар! «АСАКА» банки (ОАЖ) сизларни ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан қутлайди ҳамда миллий валютадаги кўйдаги янги муддатли омонат турини таклиф этади: «МУРАББИЙ — 2012» Сақлашни муддати ~ 3 йил. Фоишлар ойма-ой ҳисобланиб, коммунал ва бошқа тўловлар (электр энергияси, иситиш, газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон, ўқиш ҳамда даволаниш учун ва бошқалар)га йўналтирилади. Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалида очиш мумкин. Мурожаат учун «Асака» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63. 1. Тошкент шаҳри филиали (371) 120-83-13 2. «Автотранспорт» филиали (371) 120-39-95 3. Шайхонтоҳур филиали (371) 140-39-36 4. Юнусобод филиали (371) 221-80-67 5. Сергели филиали (371) 258-67-49 6. Тошкент вилояти филиали (371) 120-84-13 7. Андижон вилояти филиали (374) 224-40-96 8. Асака филиали (374) 233-13-69 9. «Фарход» филиали (374) 226-97-53 10. Фарғона вилояти филиали (373) 224-70-83 11. Марғилон филиали (373) 237-12-37 12. Отирарк филиали (373) 432-10-11 13. Кўкюн филиали (373) 552-61-04 14. Наманган вилояти филиали (369) 226-94-75 15. Навоий вилояти филиали (436) 223-54-32 16. Зарафшон филиали (436) 573-18-78 17. Бухоро вилояти филиали (365) 223-71-94 18. Бухоро шаҳри филиали (365) 770-11-27 19. Самарқанд вилояти филиали (366) 231-08-86 20. «Афросиёб» филиали (366) 221-77-56 21. Қашқадарё вилояти филиали (375) 221-12-93 22. Сурхондарё вилояти филиали (376) 770-82-12 23. Қорақалпоғистон филиали (361) 770-60-59 24. Хоразм вилояти филиали (362) 226-97-78 25. Сирдарё вилояти филиали (367) 225-44-03 26. Жиззах вилояти филиали (372) 226-43-11 Барча омонатлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланади. Сизнинг омонатларингиз: • солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод; • маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ қафолатланади; • эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда; • миқдори чекланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик жамоаси Молия вазирилик Ганзақчилиги бошлиғи ўринбосари — Амалиёт бошқармаси бошлиғи Ф. Ҳ. Нурмухамедовга онаси Норпошна НУРМУҲАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Тошкент ахборот технологиялари университетининг доценти, педагогика фанлари номзоди Ҳамроҳон МАМАТРАИМОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради. Олий ва ўрта махсус, қасб-хунар таълимни ривожлантириш маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғи Сарвархон Бузрукжоновга волидан муҳтарамаси ФАЗИЛАТХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент давлат иқтисодий университети ректорати ва қасаба уюшма кўмитаси Олий математика кафедраси доценти Ақромжон Фуломовга онаси МУҲАББАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

*юртимизнинг барча  
илм-маърифат вакиллари,  
жонкуяр ҳамда заҳматкаш муаллимларини*

*Ўқитувчи  
ва мураббийлар кунини*

*билан самимий табриклайди!*

*Келажакимиз эгаларини маънан етук,  
жисмонан бақувват, жонажон юртимизнинг  
фидойи фарзандлари этиб тарбиялашдек  
машаққатли ҳамда шарафли  
меҳнатингизда улкан омадлар  
тилаб қолади.*



● Реклама ва эълонлар ●

## «Тошрангметзавод» ОАЖ жамоаси



*Ватанимизнинг  
барча устозлари  
ва мураббийларини  
умумхалқ  
байрами —*

*Ўқитувчи ва мураббийлар кунини*

*билан муборакбод этади!*

Баркамол авлод тарбияси йўлидаги ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.



### «ТУРОН КЎЧМАС МУЛК САВДО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

*билан ҳамкорликда нарзалари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган  
очиқ аукцион савдосига таъкиф этади.*

Очиқ аукцион савдоларига Хонқа тумани ҳокимининг 2012 йил 4 июндаги 660-сонли қарори ва Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 20 сентябрдаги 66-КОС-сонли буйруғига асосан, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Навхос қишлоғи, Зинахос маҳалласида жойлашган, Хонқа тумани ҳокимлиги ҳисобидаги маъмурий бино ва иншоотлар, умумий ер майдони — 633,39 кв.м.ни, шундан қурилиш ости ер майдони — 576,33 кв.м.ни ташкил қилган маъмурий бино, қурилиш ости ер майдони — 57,06 кв.м.ни ташкил қилган бостирма, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга.

**Бошланғич баҳоси — 224 600 000 сўм.**

Очиқ аукцион савдоларига Хонқа тумани ҳокимининг 2010 йил 14 августдаги 719-сонли қарори ва Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 20 сентябрдаги 65-КОС-сонли буйруғига асосан, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Олажа қишлоғида жойлашган, Хонқа тумани ҳокимлиги ҳисобидаги милиция таянч пункти бино ва иншоотлари, умумий ер майдони — 669,48 кв.м.ни, шундан қурилиш ости ер майдони — 75,98 кв.м.ни ташкил қилган милиция таянч пункти биноси, узунлиги — 52,1 пог.м.ни, баландлиги — 2 метрни ташкил қилган силкат ғишдан қурилган чорбоғ, 2 м. х 1 м. ўлчамдаги 2 дона темир дарвоза, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга.

**Бошланғич баҳоси — 34 720 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 31 октябрь кунини соат 11.00 да Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уйда бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Ушбу кўчмас мулклар 2012 йил 31 октябрдаги

аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 7 ёки 14 ноябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан Хонқа тумани ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатат келишувига асосан, Хонқа тумани, Навхос қишлоғи, Зинахос маҳалласида жойлашган маъмурий бино ва иншоотлар учун бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги, Хонқа тумани, Олажа қишлоғида жойлашган «Милиция таянч пункти» бино ва иншоотлари учун бошланғич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «Турон кўчмас мулк савдо» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904925192001, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Савдо голибига савдо кунидан кейин йигирма кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни савдо ташкилотчиси жойлашган манзилдан ва (8-362) 224-13-97 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй, «Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши» биноси, 2-қават, 206-хона.  
Ишонч телефони: Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси, (8-362) 226-16-55. Расмий сайтими: [www.tkms.uz](http://www.tkms.uz).

Лицензия: RL-001 RR-0088.

### ОБ-ҲАВО (29 сентябрь)



Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

+5 +10 +18 +23

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

+10 +15 +23 +28

Бухоро ва Навоий вилоятларида

+10 +15 +20 +25

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

+10 +15 +22 +27

Тошкент шаҳрида

+12 +14 +25 +27

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бېғими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оринов.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — О. Файзиев.  
Мусоҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.45 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 октябрь — чоршанба кунини чиқарди).